

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

МУРАТОВ НУРИТДИН ДЖАББАРОВИЧ

**ЧЎКИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАЖМУАСИДАГИ КОНЛАРНИ
РАЗВЕДКА ҚИЛИШДА БУРҒИЛАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

04.00.15 – Геологик разведка ишлари технологияси ва техникаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract dissertation doctor of science (DSc)

Муратов Нуритдин Джаббарович Чўкинди тоғ жинслари мажмуасидаги конларни разведка қилишда бурғилашнинг янги технологияси	5
Муратов Нуритдин Джаббарович Новая технология бурения при разведке месторождений в осадочных комплексах горных пород	31
Muratov Nuritdin Jabbarovich New drilling technology for the exploration of deposits in sedimentary rock complexes	56
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

МУРАТОВ НУРИТДИН ДЖАББАРОВИЧ

**ЧЎКИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАЖМУАСИДАГИ КОНЛАРНИ
РАЗВЕДКА ҚИЛИШДА БУРҒИЛАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

04.00.15 – Геологик разведка ишлари технологияси ва техникаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.DSc/T587 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» ДМ да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.gpimr.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Цой Владимир Денъевич

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий аппонентлар:

Джураев Рустам Умархонович

техника фанлари доктори, доцент

Халилов Акмал Абдужалилович

геология-минералогия фанлари доктори

Заиров Шерзод Шарипович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

“Ўзбек геология қидирув” АЖ

Диссертация ҳимояси «Минерал ресурслар институти» ДМ хузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «22» декабрь соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (71) 209-08-69; e-mail: info@mridm.uz; gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел: (71) 209-08-69).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.У. Исоқов

Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

С.С. Сайитов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

Ж.Б.Тошов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида олтин, мис, уран ва бошқа камёб металлларга бўлган эҳтиёж ошиб бораётганлиги сабабли ер қаърида чуқур жойлашган конларни излаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада замонавий бурғилаш технологияларини қўллашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши геология қидирув ишларини самарадорлигини оширишга, олтин, уран, нодир металллар ва камёб ер элементларининг янги конларини очилишига ҳамда минерал хом-ашё базасини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида бир кудукни қўшимча тушириш-кўтариш жараёнларисиз комбинациялашган бурғилаш орқали мезозой-кайнозой чўкинди жинслари ва туб палеозой қатламларини ўз ичига олган мураккаб қирқимлар учун замонавий бурғилаш технологияларини танлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса геология-қидирув ишлари самарадорлигини оширади ва истиқболда республиканинг минерал хом-ашё базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Республикамизда минерал хом-ашё базасини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, қумтош типигаги уран конларини қидириш ва қаттиқ фойдали қазилмаларни (олтин, мис ва ҳ.) разведка қилишда йил сайин қалинлиги 500-600 метр мезозой-кайнозой даври ётқизиқларидан ўтиб полеозой ётқизиқларида 350-1200 метргача бурғилаш ишларини олиб боришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...Иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Кулжуктов маъданли майдонларида, Марказий Қизилқум тоғ-кончилик минтақасидаги янги олтин ва уран конларини юқори аниқликда прогноз қилиш ва излашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш ва геология-қидирув амалиётига жорий этиш соҳа олдидаги устувор ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон ва 2020 йил 8 июндаги «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4740-сонли қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони

хужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация ишидаги тадқиқотларнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII - «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²

Бурғилаш ускуналари ва асбобларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш, бурғилашнинг режим параметрларини назорат қилувчи ўлчов асбоблари ва илғор технологияларни яратиш, бошқаришнинг самарали усулларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи бурғилаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи компаниялари, илмий марказлари, жумладан, «Reservoir Group Co., Ltd» (Шотландия), НПП «БУРИНТЕХ» МЧЖ (Россия), «Оренбургский завод бурового оборудования» АЖ (Россия), «Волковгеология» АЖ (Қозоғистон), «Atlas Corso» (Швеция), «Boart longyear» (АҚШ), «СЕТСО» (АҚШ), «Desco inc» (Корея), «TESCO» (Испания) томонидан амалга оширилмоқда.

Илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий ва илмий-амалий натижаларга эришилган, жумладан, кернли ва кернсиз бурғилашга мўлжалланган колонкали тўпламлар, PDC долото ва коронкалар билан жиҳозланган Coring While Drilling (CWD) тизими ишлаб чиқилган ва иш ресурсларини 10 баробарга оширишга эришилган (Reservoir Group Co., Ltd, Шотландия); халқаро API стандартлари ўлчамларига мос бурғилаш бошмоқлари ишлаб чиқарилган (НПП «БУРИНТЕХ» МЧЖ, Россия); HRQC русумли мустаҳкамлиги ортирилган, резбаси тескари бурчак остида йўнилган колонкали кувурлар ишлаб чиқилган («ОЗБО» АЖ, Россия); бундан ташқари юқори ресурсли долотолар ва емирилишга турғунлиги оширилган кесгичларни ўзлаштириш масалалари ҳал этилмоқда («Ер ва денгиз ҳақидаги фанлар ва технологиялар агентлиги», Япония).

Ҳозирги вақтда қаттиқ фойдали қазилмаларда чўкинди тоғ жинсларини геология-қидирув бурғилаш жараёнида қудуқ тубидан шламларни олиб чиқишда физик ва гидравлик қонуниятлар билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бурғилаш суюқлигини насос билан қудуққа ҳайдаганда колонкали жамланманнинг кувурлараро оралиғи ва кувурорти бўшлиғи ўлчамларининг оптимал катталиклари кернкабулқилгич кувурга коронка орқали кираётган керннинг структурасини бузмасдан, тўлалигича ер юзасига олиб чиқиш сифатли геология-қидирув ишларининг асосий талабларидан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда хориж мамлакатларида ва республикамизда қудуқларни бурғилашда бурғи каллагини ва коронкаларини ишлаш ресурсларини ошириш, шунингдек

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.reservoirgroup.com>; <http://www.jamstec.go.jp> www.corpro-group.com www.alsoilandgas.com ва бошқа манбалар асосида муаллифнинг ишланмалари билан солиштириш орқали шарҳланган.

кувур орти бўшлиғида суюқлининг қовушоқ-пластик оқимини ҳосил қилиш билан боғлиқ илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотнинг асосий йўналишлари К.И. Борисов, А.А.Третьяк Л.И. Барон, А.В. Кузнецов, В.В. Нескромных, Ф.Д. Бладенко, В.М. Ребрик, Б.И. Воздвиженский, В.Г. Кардыш, В.В.Чулков, О. Allain, М.О. Ашрафьян, А.И. Булатов, Г.А Еремин, В.И. Шелкачевларнинг ишларида ўрганилган.

Уран конларининг чўкинди тоғ жинслари мажмуасида қазиб олиш ҳажмини ошириш мақсадида геология-қидирув қудуқларини бурғилаш технологияларидан кўра геотехнологик бурғи қудуқларини бурғилаш технологияларига катта аҳамият қаратилган, чунки, дунёда 400 метргача бўлган чуқурликларда геотехнологик қудуқлар ёрдамида гидроқазиб олиш истиқболи ошиб бормоқда. П.И. Дудко, В.Ж. Аренс, А.М. Гайдин, Б.В. Исмагилов, Д.Н. Шпак, В.С. Голубев, В.А. Грабовник, В.А. Мамилов, В.А.Петров, Г.Р. Шушания, Д.П. Лобанов, Р.П. Петров, Л.И. Лунев, И.К. Луценко, М.В. Шумилин ва бошқаларнинг илмий ишлари геотехнологик қудуқларни бурғилашга бағишланган. Уларнинг ишларида геология-қидирув қудуқларини бурғилаш технологияси умумий маънода талқин қилиб кетилган.

Кўп йиллик илмий тадқиқотларга қарамай, геология-қидирув қудуқларини бурғилашда қудуқдан асосий снарядни кўтармай туриб, кернли ва кернсиз бурғилаш имконини берувчи ички бурғи қувури ва унинг долотоси билан жиҳозланган универсал колонкали жамланмалар ва уларга мос ресурси юқори бўлган, емирилишга чидамли ташқи колонкали қувурнинг бурғилаш каллакларини (бурголови) ишлаб чиқиш, суюқлик учун сарф бўладиган техник сувдан чўл регионларида самарали фойдаланиш масалалари ҳанузгача тўлиқ ҳал қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» давлат муассасаси илмий-тадқиқотлар режасининг 874-сон «Геология-қидирув бурғилаш ишларининг замонавий ускуналари ва технологияси бўйича услубий тавсиялар» (2018-2020), 1033-сон «Кичик ўлчамдаги бурғилаш қурилмасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2019-2021) лойиҳалари, 1507-сон «Бурғилаш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида тажриба-конструкторлик ишларни олиб бориш» (2021-2023) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чўкинди тоғ жинслари мажмуасидаги конларни разведка қилишда бурғилашнинг янги технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тажриба-конструкторлик ишлари (ТКИ) ва тажриба-услугиёт ишлари (ТУИ) бўйича фонд материаллари ва адабий манбаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

қумтошли турдаги уран конларининг мураккаб кесимларида кернни талаб қилинган миқдорда ва ҳолатда чиқариш мақсадида геология-қидирув бурғилаш технологиясига тизимли ёндашиш ва таҳлил қилиш;

ички бурғи қувури устки бошмоғи ишончли тўхтатувчи тиргаклар билан жиҳозланган HRQ колонкали тўпламини яратиш ва ишлаб чиқиш йўли билан «Coring While Drilling» тизимига конструктив мослаштирилган, кўтариб-тушириш операцияларига кетган вақтни минималлаштирадиган, қудуқни ҳам кернли ҳам кернсиз ўтишда комбинациялашган бурғилаш технологиясини илмий асослаш;

ташқи ва ички долотолардан иборат, поликристал олмосли кескичлар билан жиҳозланган ва ювувчи каналларнинг оптимал ўтказиш қобилиятини таъминловчи зинасимон бурғи каллаги – тоғ жинсини емирувчи асбобнинг универсал конструкциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

сочилувчан тоғ жинсларини бурғилаш жараёнида қудуқдан зарурий кондициядаги керн чиқишини таъминлаш учун керн қадоқлаш мосламаси ва ёпишқоқ тоғ жинслари учун кернни қувурдан сув босими остида сиқиб чиқариш жиҳозини яратиш ва жорий қилиш;

тадқиқот натижаларига кўра чўкинди жинслар мажмуаларида қаттиқ фойдали қазилмаларни қидириш учун янги бурғилаш технологиясини илмий-назарий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чўкинди тоғ жинслари мажмуаларида геология-қидирув қудуқларини бурғилаш учун техник ва технологик тизим танланган.

Тадқиқотнинг предмети ПБУ-1200 бурғилаш қурилмасини ўз ичига олувчи ЗИФ-1200 типдаги шпинделли бурғилаш станогини, МРУГУ-18/20 мачтаси ва ёрдамчи узеллари билан жиҳозланган оғир ва эскирган технологиялар ўрнини босувчи замонавий технология ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. ГОСТ, ISO, DIN стандартлари талаблари асосида бурғи каллаги, долота, кернни қадоқлаш ва босим остида чиқариш мосламасини конструкторлик ва технологик ҳужжатлаштириш имконини ўз ичига олган COMPAS-3DV21 машинасозликда конструкциялаш ва лойиҳалаш дастурий таъминотида агрегатив-декомпозицион ёндашган ҳолда лойиҳалаш ва конструкциялаш, шунингдек, уч ўлчамли моделларда (ГОСТ 2.052 – 2006 стандартини қўллаб-қувватловчи «ЕСКД. Маҳсулотларнинг электрон модели») ўлчамларни ўрнатиш ва белгилаш усули ҳамда САМ-тизими ва ЧПУ станокларидан фойдаланган ҳолда коронкалар ва бурғи каллақларини лойиҳалашдан уларни тайёрлашга тез ўтиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

калинлиги 500-600 метр бўлган мезозой-кайнозой қатламлари остида 350-1200 метр чуқурликдаги полеозой бўйлаб бурғилашда ССК комплекслари ва ҳаракатланувчан айлантиргичга эга гидрофицирланган бурғилаш ускуналарини қўллаш имконияти асосланган;

керннинг диаметри 50 мм бўлишлиги радиометрик ва бошқа лаборатория тадқиқотларини олиб боришга ва геологик ахборот олишга салбий таъсир қилмаслиги исботланган;

HQ^{NM} модификацияли колонкали тўплам қувурлараро бўшлиғи ва бурғилаш каллагининг кесувчи қисмининг оптимал ўлчамлари,

кернкабулқилгич қузурида сочилувчан, боғланмаган жинслардан керн ҳосил бўлиш жараёнидадаги гидродинамик қаршиликларни пасайтирувчи қадоқлаш мосламаси яратилди;

ёпишқоқ тоғ жинсларидан олинган кернни кернкабулқилгич қувурдан сиқиб чиқарувчи қурулма ишлаб чиқилган;

ССК снарядини кўтармасдан қудуқ тубини ялпи бурғилаб кетиш учун TPDC H110/47,6 зинали бурғилаш бошмоғи, ВІТ PDC-45,5 долотоли ички қувур ишлаб чиқилган ва математик ҳисоб-китоблар асосида уларнинг назарий ресурслари 900 метрдан ошиқроқ бўлишлиги аниқланган;

уран конларини бурғилашда ҳосил бўладиган ювувчи суюқлик таркибидаги шламни шлам насоси ва титратгич элак ёрдамида интенсив тозалаш техник воситаларини самарали қўллаш имконияти яратилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

HQ^{NM} модификацияли колонкали тўплам (FAP 02330, FAP 02312 патентлари), кернни қадоқлаш (FAP 02321 патент), кернни босими остида чиқариш мосламалари (FAP 02322 патент), TPDC H110/47,6 зинали бурғилаш бошмоғи, ВІТ PDC-45,5 долотоли ички бурғилаш қузури ва уларнинг конструкторлик ечимлари ишлаб чиқилган;

чўқинди тоғ жинслари мажмуасини бурғилашда ҳосил бўладиган ювувчи суюқлик таркибидаги шламни тозаловчи шлам насоси ва титратгич элакни қўллаган ҳолда бурғилаш суюқлигини интенсив тозалаш технологияси (FAP 01659 патент) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган натижаларнинг ишончилиги янги технологик схемани тадқиқотда келтирилган кетма-кетликда ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги ва ҳар бир технологик жараён амалдаги технологик жараёндаги 12 та қудуқлардан олинган маълумотлар билан солиштирилганлигига асосланади. Натижаларга кўра, технологик қурилмаларнинг иш принципларидаги ишончилик ва қўл меҳнатининг механизациялаштирилиши геологик ахборот ишончилигини 95% гача ошганлигини исботлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қувур орти бўшлиғида бурғиланган тоғ жинси зарраларининг тўпланиб қолиши билан боғлиқ бўлган мураккабликларни олдини олиш учун Риттенгернинг машҳур формуласидан заррачаларнинг чўкиш тезлиги билан ўзаро боғлиқ бўлган шламнинг ҳажмий концентрацияси инобатга олинган. Шу жиҳатдан, ювувчи суюқлик ҳаракатланадиган каналларнинг геометрик ўлчамлари, модификациялашган колонкали тўпламнинг узеллари оралиғидаги тор жойларда (ҳаракатдаги тўпламда қувурлараро оралик 3,5мм, модификациялашганда – 11.1мм), кейинчалик қудуқ девори ва бурғи колоннаси оралиғидан (ҳаракатдаги тўпламда – 3,5 мм, модификациялашганда – 10,0 мм) тепага ҳаракатланаётган қуюқ-қовушок оқим тезлигини таъминлаб бериш учун қулай гидродинамик шароит яратилиши ҳисобга олинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техник кўрсаткичлари ўзаро мувофиқ бўлган қурилмаларнинг кетма-кетликда ишлашини таъминлаш орқали: бурғилаш насоси – бурғилаш қувурлари колоннасининг суюқлик ҳаракатланувчи каналлари – шлам ҳайдаш насоси – титратгич элакнинг тозалаш тезлиги – тозаланган суюқликни сақлаш учун резервуарлар – бурғилаш насоси, ёпиқ циклида шламдан тозалаш ҳажмини ва тезлигини назорат қилиш имконига эришилди. Натижада 1 пог.м бурғилашга кетадиган сарф ҳаражатларни 4,25 АҚШ долларига арзонлаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янги бурғилаш технологияси тадқиқотининг илмий натижалари асосида ва чўкинди тоғ жинсларини бурғилаш учун ишлаб чиқарилган техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали:

HQ^{NM} модификацияли колонка тўплам ва юқори ўтиш ресурсига эга бўлган PDC кескичли зинали ташқи бурғилаш каллаги, ички бурғилаш қузури ва унинг долотоси «Регионалгеология» ДУКнинг геология қидирув амалиётига жорий қилинди (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 24 майдаги 08-1402-сон маълумотномаси). Натижада «Томдитов» ва «Аристантов» майдонларида қудуқларни бурғилашнинг самарадорлиги оширилди;

жорий қилинаётган технология ва унинг барча жиҳозлари билан ўзйорар УРБ-25 русумдаги роторли бурғилаш ускунасининг бутланиши «Регионалгеология» ДУКнинг геология қидирув амалиётига жорий қилинди (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 24 майдаги 08-1402-сон маълумотномаси). Натижада оғир юк ташувчи техникаларга бўлган эҳтиёжнинг тўлиқ бартараф этилишига, бурғилаш ускунасининг жойдан-жойга кўчириш ва ювувчи қоришма ташиш билан боғлиқ ҳаражатларни 2 баробарга камайтирилишига эришилди;

қувурларни тушириш-кўтариш операциясини қудуқ бурғилаш жараёнида минималлаштирувчи, шунингдек, шламни жадал тозалаш ускуналарини «Регионалгеология» ДУКнинг геология қидирув амалиётига жорий қилинди (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 24 майдаги 08-1402-сон маълумотномаси). Натижада ҳалокатли вазиятларнинг кескин камайишига ва бурғилаш ишларининг унумдорлигини 1,5 баробарга оширилишига эришилди;

модификациялаштирилган колонкали тўпламнинг «бурғилаш каллаги - тоғ жинси» контактида шаклланаётган керн намунасига гидродинамик таъсирини тубдан бартараф этувчи ички кернқабулқилгич қувурнинг конструкцияси ҳамда ювувчи суюқлик таркибидаги шламни жадал тозалаш (выбросито) ускунаси ва шлам насоси «URANIUM DRILLMINE TECHNOLOGY» МЧЖнинг геология қидирув амалиётига жорий қилинди (2023 йил 23 майдаги 23-05/2023-1-ONS-FRA-сон маълумотномаси). Натижада чўкинди тоғ жинслари мажмуасида геологик маълумот олиш сифатини 95-100 фоизга етказилишига эришилди;

чўкинди тоғ жинслари мажмуасида конларни разведка қилишнинг янги бурғилаш технологияси «URANIUM DRILLMINE

TECHNOLOGY» МЧЖнинг геология қидирув амалиётига жорий қилинди (2023 йил 23 майдаги 23-05/2023-1-ONS-FRA-сон маълумотномаси). Натижада тугатиш (ликвидация) ва рекультивация ишлари даврида атроф-муҳит ва экологияга ноҳўя таъсирни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 11 та мақола, шу жумладан, республика нашрларида 10 та ва хорижий журналларда 1 та мақола, 5 та муаллифлик ҳуқуқи, 6 та халқаро ва республика конференцияларининг тезислари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва 61 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 168 бет 20 та жадвал, 55 та расмлар ва 10 бет иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «Бурғилаш технологиялари ва воситаларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш» ҳақидаги биринчи бобида учта кичик бўлимлар мавжуд бўлиб, қумтошли уран конларининг геологик хусусиятлари ва чўкинди тоғ жинсларида бурғилашнинг технологиялари келтирилган. Бунда II жаҳон урушидан сўнг Учқудуқ, Букантоғ, Томдитоғ уран конларида геология қидирув ишлари Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган «Қизилтепагеология» томонидан атом саноатини ривожлантириш мақсадида жадал ишлар олиб борилганлиги, ҳудудга ўша даврнинг илғор техника ва технологиялари жалб қилинганлигидан маълумот берилади.

Ҳатто ҳозирги кунгача рельефи оғир бўлган қумтепаликларда вазни, шакли жиҳатидан йирик бўлган бурғилаш қурулмаларидан фойдаланилганлиги учун уларни кўчириш мақсадида оғир, ғилдиракли К-700 русумдаги тракторлар, Б-110, Т-130; Т-170 маркадаги бульдозерлардан фойдаланилган. Ўтган асрнинг 80-йилларгача меҳнат шароитларини яхшилаш, қўл меҳнатини механизациялаш учун рационализаторлик ишлари фаол олиб борилди. Ўша давр учун илғор бўлган технологиялар жорий этилиб, такрорий синовлардан сўнг бурғилаш ускуналари ва ёрдамчи қурилмалари конструкцияларига ўзгартиришлар киритилди.

Қалин тўртламчи қатламнинг остидаги олтин конларини разведка қилишда бурғилаш технологияларини геологик-техник хусусиятлари белгилаб ўтилган. Ушбу технология 70 йилдан бери ва ҳар доим турли даражадаги геологик жиҳатдан мураккаб бўлган интервалларда ишлатиб кўрилган ва участкаларда анъанавий технологияни қўллаб кўриб, бурғилаш бўйича қийинлик (асоратлилиқ) даражаси аниқланган. Колонкали бурғилашнинг 300-500 метргача геология-қидирув бурғилашдаги муаммолари ўрганилган, геологик ҳисоботлар ва фонд материалларидан маълумотлар йиғилиб, бурғилаш технологиясини мукамаллаштириш юзасидан хулосалар қилинган.

Диссертациянинг иккинчи «Янги бурғилаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ўтказиш услуги ва объекти» деб номланган боб, 7 кичик бўлимлардан иборат бўлиб янги комбинацияланган бурғилаш технологиясини ишлаб чиқиш учун технологик шартлари асосланади. Ўрганилаётган геологик объект тўртламчи чўкиндиларнинг қалин катлами остида жойлашган ҳолларда, таркибидаги жинслар қулаш, нураш ва шишиш, шунингдек, жуда абразив, ва парчаланганлик хусусиятлар ва тенденциясига эга бўлади. Ушбу ва бошқа технологик хусусиятлар анъанавий бурғилаш технологиясининг ўзига хос камчиликларини аниқ акс эттиради. Бу камчиликларга қуйидагилар киради:

- II-VI тоифага мансуб бурғиланувчанликдаги жинсларда қудуқларни бурғилаш имкониятининг йўқлиги. Бу бир колонкали бурғилашда ҳар бир рейс учун колонка қувури узунлиги билан чекланганлиги билан тушунтирилади;

- кернни кўтариб олиш ва тоғ жинсини емирувчи асбобни алмаштиришда тушириш-кўтариш операцияси (ТКО) га сарфланган вақт туфайли тижорий тезликнинг пастлиги;

- ССК комплексларидан фойдаланган ҳолда бурғилаш пайтида бурғилаш қувури ва қудуқ деворлари орасидаги ҳалқасимон бўшлиқнинг кичиклиги туфайли қудуқ туби ёмон тозаланиши натижасида ноқулай шароитларнинг пайдо бўлиши.


Чўкинди тоғ жинслари мажмуида ССК билан бурғилаш учун мавжуд бўлган колонка тўпламлари ва бурғилаш қувурлари ўрганилиб, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари келтирилган. Одатда юмшоқ ва бўшашган тоғ жинслари учун мослаштирилган барча PQ тўпламлари ички керн қабул қилгич қувури пастки учидан 5-6 мм гача чиқиб турувчи махсус ички қувурча билан жиҳозланган бўлади. Бурғилаш пайтида керн қабул қилувчи қувур юмшоқ жинсларга биринчи бўлиб кириб боради ва қумли керннинг структурасини бузилишига йўл қўймасдан, ювувчи суюқликни керн қабул қилгичга йўналтиради. Бўшоқ қум массаси искана ост қисмидан тахминан 10 см масофада жойлашган пластик халтачага кириб боради. Бурғилаш жараёнида, қумлик керн қабул қилгич қувурга кириши билан халтачага йўналади ва ички қувур тўлгунча силлиқ полиэтилен қопча билан қувур ичига эркин силжиб боради. Қувур тўлгандан сўнг халтанинг пастки қисми кернузгич билан узилади ва керн қабул қилгич қувурни овершот ёрдамида

кўтариб олиш пайтида намуналарнинг кудукка тушиб кетишига йўл қўймайди.

Юқорида тавсифланган афзалликлар билан бир қаторда, ушбу турдаги колонка тўпламининг камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, бу қувурнинг 5-6 мм.га чиқиб турган қувур учини тўмтоқлашиб қолганлиги ҳолатини доимий текшириб туриш зарурлигидир. Ички қувурнинг тўмтоқ учи унинг кумга яхши ботмаслиги ва ювувчи суюқлик таъсирида кумни ювилиб кетишига шароит яратади.

Бундай керн намунасини кутига тахлаш полиэтилен қопча билан бирга амалга оширилади. Намуна тўкилмаслиги учун қопчанинг икки учи боғлаб қўйилади. Бундай колонка тўпламини ишлатишдаги камчиликлардан бири шуки, кудукнинг бутун юзаси буйлаб бурғилашда шламнинг кўп чиқиши ва кудукларнинг катта диаметри (136 мм) туфайли кучли бурғилаш насосини талаб қилинади.

Бундан ташқари, колонка тўпламини кўтариш ва тушириш бутун бурғилаш қувурлари колоннасини кўтариб-тушириш ишларини бажариш орқали амалга оширилади, бу эса кўп вақт талаб қилади.



1-расм. Боғланмаган, сочилувчан тоғ жинси учун колонкали тўплам.

PDC (Polycrystalline diamond cutters) билан жиҳозланган HRQC конструкциясининг ўзгартирилган HQ^{NM} модификациялаштирилган колонка тўплами ва муаллиф томонидан пика-каронка деб номланган турли қаттиқликдаги тоғ жинсларини ўтишга мўлжалланган ВІТ (долото) таклиф этилган. Ушбу конструкцияси ўзгартирилган колонкали тўплам 1-расмда кўрсатилган. Асосий ўзгартиришлар «Н» ўлчамдаги ташқи колонкали қувур ичига «N» ўлчамли керн қабулқилгич қувурни мослаштириш билан боғлиқ ўзгаришлардир. Стандарт ва ўзгартирилаган конструкциядаги колонка

подшипники узел бўлмайди. Бу колонкали тўплам бурғилаш жараёнида ташқи колонкали қувур билан биргаликда айланиб, қудуқ тубининг марказий қисмини ички долото ёрдамида ва ён атрофини эса ташқи қувурга ўралган асосий бурғилаш бошмоғи билан биргаликда емириб бурғилаб кетади. Одатда, қумтошли уран конларини ва қалин тўртламчи давр ётқизиқлари остидаги чуқурликлардаги қаттиқ фойдали қазилмаларни геология-қидирув ишарида бурғилаш қудуқларининг дастлабки этапи кернсиз бурғилашдан бошланади. Шунинг учун HQ^{NM} модификацияли колонкали тўпламни бурғилаш майдончасида ишга тайёрлаб олиш тавсия этилади.

Мазкур бобнинг 4 - бўлими «Уран конларини разведка қилишда қудуқдан олинадиган керннинг диаметри 50 мм гача камайиши геологик ахборот олиш учун салбий таъсир қилмаслигини асослаш» деб номланади. Бунда, қабул қилинган намуналар олиш технологиясида секциявий усулда керндан намуна олиш 20 см дан 1,0 метргача деб белгиланган. Ҳар бир намуна олиш интервалининг узунлиги маъданлашиш характериға структура ва текстурасининг хоссаларига боғлиқ (атроф тоғ жинсларининг ксенолитлари ва аралашмалари). Бундан ташқари, кўзга кўринмас маъданлашган жинсларнинг чегара қисмларини кўрсатиб турувчи керндан намуна олиниши шарт. Намуна олиш давомий ва маъдан танасидан тўлалигича олинади. Тўғри тақсимланган маъданлашиш бўлганда намуна узунлиги 3 метрдан ошмаслиги керак. Керн диаметридан келиб чиқиб, намунанинг минимал узунлиги 0,1-0,3 метр бўлиши тавсия қилинади.

Бунда қудуқдан олинган керн 1 қарра узунликда бўлиши керак. Намуналар қудуқ интервалига боғлаб, ҳамда керннинг чиқиш фойизи, гамма-ўлчови (промер) кўрсаткичлари, намуна олинган узунлик, интервалларнинг гамма-ўлчовлари катталиклари «Намуналаш журнали»га ёзиб борилади. Журналда гамма ва электр коратажнинг керн олинган интерваллардаги кўрсаткичлар коррекция қилинади ва шу орқали маъданлашган интервалнинг керндан намуна олишга яроқлилиги юзасидан хулоса қилинади. Кернни наъмуналаш портатив рентгенорадиометрик аппарат ва датчиклар орқали одатда ҳар 5 ва 10 см ораликларда амалга оширилади.

Намунанинг оғирлиги 500-600 грамдан кам бўлмаслиги керак, чунки намунанинг биринчи ярми дубликат сифатида сақланса, иккинчи ярми лаборатория тадқиқотлари учун қуйидаги элементларни аниқлаш учун юборилади: уран, радий, рений ҳамда тоғ жинсининг гранулометриқ таркиби, CO₂ ва бошқаларнинг миқдори аниқланилади.

Илғор бурғилаш технологиясига ўтиш муносабати билан ва айнан конструкцияси ўзгартирилган колонкали тўплам (1-вариантда HQ^{NM} модификацияли колонкали тўпламни ички қувурининг ички диаметри 50,01 мм, 2-вариантда 55,0 мм) мос равишда керн диаметрлари 47,6 мм ва 50 мм бўлади.

Технология тадқиқотлар ўтказиш гуруҳи ва бошқа мутахассислар иштирокида д-64 мм керн, д-50 мм кернга камайиши ҳисобига геологик маълумот олишга етарлилиги бўйича меъёрий хужжатлар талаблари ўрганиб чиқилди. Натижаларига кўра, ўлчами 50 мм бўлган керн секцияли усулда

намуна олиш литология ва геохимия жиҳатидан етарлича эканлиги, ўрганилаётган қирқимнинг литологик хилма-хиллигини аниқлаш бўйича олиш зарур бўлган маълумотларни йиғмасининг ишнчилигига салбий таъсир қилмаслиги аниқланди. Барча ҳолатларда д-50 мм бўлган керн уран, радий, рений ҳамда тоғ жинсининг гранулометриқ таркибини, CO₂ нинг миқдорини аниқлаш учун етарлича экан. Аммо бу ерда кернни чиқариш фойизи маъданли интерваллардан 75-80% дан кам бўлмаслигини таъминлаш зарур. Бу вазиятда маъдан танасининг геохимик ҳолатини аниқлаш учун ҳам етарлича бўлади. Агар керн оғирлиги жиҳатидан талаб даражасида бўлмаса намуна олинадиган қалинликни литологик хилма-хиллигидан келиб чиқиб, 0,2 метрдан 1,0 метргача узайтиш ҳаракатдаги йўриқномаларда рухсат этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари керннинг диаметри кичрайиши радиация интенсивлиги юқори бўлган интервалларни бурғилаганда зумпфларда ҳосил бўладиган шламнинг камайишга олиб келади ва бу атроф муҳитга салбий экологик таъсирини минималлаштиради. Бурғилаш ишлари транспорт харажатлари ва оғир техникалар учун ёнилғи мойлаш маҳсулотлари (ЁММ) сарфини сезиларли даражада камайтиради.

«Қудукни ювувчи суюқлик билан таъминлаш ва ишларни ташкил қилиш»га бағишланган бешинчи бўлимда кернни ССК лебедкаси билан кўтариш жараёнида ҳаракатланувчи айлантиргич (вращатель) ни қоришма билан ифлосланишидан сақлаш учун тавсиялар бериб ўтилади ҳамда техник сув ва реагентларни иқтисод қилиш учун титратгич элак, шлам насоси ва уларни ишлатиш тартиблари хусусида сўз боради.

Олтинчи бўлимда янги технологиянинг табиий ва технологик ресурсларни тежаш тамойилларини асослантиради. Бунда техник сувнинг чўл зоналарида танқислиги, омборли зумпфлардан фойдаланиш техник сув ва тайёр гилли қоришманинг сарфини ошириб юборишини ҳисоб-китоблар билан кўрсатиб ўтилади. Қудукни бурғилашга сарф бўлган ювувчи суюқликнинг қудукдаги айланишининг меъёрдан ошиқчалиги қудук деворининг ивиб кетишига, кейинчалик қулаб тушиб авария вазиятлари келтириб чиқаришидан огоҳлантирувчи ҳисоб-китоблар келтирилади. Тоғ жинсини емирувчи асбобнинг ўтувчанлик кўрсаткичини (ресурсини) аниқлаш мақсадида таҳлиллар ва тажрибалар ўтказилиб, анъанавий технологияда ишлатиладиган асбоблар ресурсидан 5-10 баробаргача, яъни 1-2 минг метргача етиши математик ҳисоблар орқали кўрсатилган. Ҳаракатдаги бурғилаш технологиясида ишлатиладиган қаттиқ қотишмали долото (пикабур) ДЗЛ-118 ёки МК-112 коронкаларнинг бурғилаш ишлари кўрсаткичларини TPDC Н 110/47,6 зинали бурғи бошмоғи ва ВIT PDC-45,5 долотоларини қўллаб бурғилашдаги кўрсаткичлари билан солиштирилганда, бурғилаш иш вақти балансида соф бурғилашга кетган вақт сарфи 20-25 % га ошганлиги кузатилди. Бу ўз навбатида бурғилаш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлди.

Еттинчи бўлимда амалдаги технологияга нисбатан киритилаётган ўзгартиришлар техник ва технологик вазиятлар харитаси ишлаб чиқилган.


Мазкур харита 5 та иловалардан 10 бетдан иборат бўлиб, диссертациянинг «Илова» қисмига жойлаштирилган.

Диссертациянинг 3-боби «Такомиллашган техник воситалар конструкцияларини яратиш, ишлаб чиқариш ва дала синов-тажриба ишларини олиб бориш» деб номланади. Биринчи бўлимида HRQ типигаги ССК жамланмасининг HQ^{NM} модификацияли колонкали тўплами учун зинали бурғи бошмоғи, ташқи бурғи қузури ичидан кўтариб олинган ички бурғи қузури ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилади.

Уран конларини разведка қилишда қудуқ чуқурлиги 1000-1100 метргача бўлишлиги ва асосий қисмини чўқинди тоғ жинслари мажмуасидан иборат бўлганлиги, бурғилаш бўйича II-VII, айрим ҳолатларда IX котегорияларда бўлишлигини ҳисобга олган ҳолда муаллиф томонидан бироз енгил конструкцияга эга бўлган зинали бурғи бошмоғи танасига қатъий бурчак остида жойлаштириб пайвандланган PDC кесгичлардан иборат конструкцияси тақдим қилинади (6-расм).

Кесгичларни ўрнатиш «Қаттиқ қотишмали кесгичларни қотириб ўрнатиш йўриқнома»си талаблари асосида бажарилади. PDC кесгичларни бошмоқнинг энг пастки қаторига шундай ўрнатилиши керакки, кесгичнинг ташқи қирғоғи диаметри 72,68 мм ни ташкил қилиши керак. Шу қатордаги PDC қоплама биринчи бўлиб тоғ жинси билан контактда бўлади.

Бурғи бошмоғининг корпусининг метали ва конструкцияси одатдаги токарлик ва фрезерлик станокларида ишлов берилишига имкон беради. PDC кесгичларнинг ички қирғоғи шундай ўрнатилиши керакки, бошмоқнинг ички диаметри 47,6 мм ни ташкил қилсин. Қолган цилиндрсимон PDC кесгичлар учта зиналарда жойлаштирилиши бурғилаш жараёнидаги айланма ҳаракатни спирал шаклда бўлишини таъминлайди.




6-расм. TPDC H110/47,6 зинали бурғи бошмоғи ва BIT PDC - 45,5 мм ички долото қирқими

Бошмоқнинг конуссимон корпусидаги юқори зинасидаги PDC кесгичлари ўрнатилгандан кейинги диаметри 110 мм ни ташкил қилади ва бу бурғилаш жараёнида қудуқнинг диаметрини шакллантиради. Шунинг учун мазкур бурғи бошмоғи зинали TPDC H110/47,6 деб номланган. Конструкциядаги ички бурғилаш қузури (7-расм) узунлиги жиҳатидан ўлчами кернқабулқилгич қувур билан бир хил бўлсада, унинг бош қисмига ички BIT PDC-45,5 мм долото ўрнатилганлиги ва у бурғилаш учун мослашганлиги учун ташқи диаметри 55,6 мм, деворининг қалинлиги 5,0 мм бўлган колонкали қувурдан тайёрланади.

Мазкур бобнинг 2 ва 3 бўлимларида зинали TPDC H110/47,6 зинали бурғи бошмоғи ва BIT PDC-45,5 мм долото билан жиҳозланган ички бурғи қузури иш ресурсларини аниқлаш бўйича математик ҳисоблар олиб борилади. COMPAS - 3D V21 дастурий таъминот ёрдамида HQ^{NM} модификацияли колонкали тўплам TPDC H110/47,6 мм PDC кесгичлар билан жиҳозланган зинасимон бурғи бошмоғи ва BIT PDC -45,6 мм ички долото

ўралган ички бурғи қувурларининг оптимал конструкциялари ишлаб чиқилди.



7-расм. Ички бурғи қувури устки бошмоғи ВІТ PDC 45.5 долотоси билан 8- ички долото ВІТ PDC -45,5 мм; 9-ички бурғи қувури д-56 мм; 10-ростловчи гайка; 11-шпиндель; 12- пастки зашёлканинг копуси; 13- тарангловчи зашёлканинг корпуси; 14-стопор зашёлкалари; 15-қўзқоринсимон илгич (найзасимон) овершот учун улаштирувчи механизм.

Бу вазифаларни ечимини топиш учун Третьяк Александр Александровичнинг «Олмосли-қаттиқ қотишмали япроқлар билан жиҳозланган коронкалар конструктив параметрларини ишлаб чиқиш ва назарий асослаш» деб номланган ишланмасидан ва COMPAS -3D V21 амалий дастурий пакетидан фойдаланилди. Мазкур дастурий пакетнинг кулқайликлари қуйидагича:

-ГОСТ , ISO, DIN стандартларига асосланган конструктив ва технологик хужжатларни тайёрлаш имкониятининг борлиги;

- уч ўлчамли моделларда белгилаш ва ўлчамларни олиш мумкинлиги;

- ГОСТ 2.052 - 2006 («ЕСКД» Асбобнинг электрон модели) стандартларини қўллаш мумкинлиги;

- коронка ва бурғилаш бошмоқларини лойиҳалаштиришдан сўнг тўғридан-тўғри САМ-тизимда ЧПУ станоклар ёрдамида ясаб чиқиш имкониятининг борлиги.

PDC кесгичларнинг ишқаланиб емирилиш тезлиги бурғиланаётган тоғ жинсларининг қаттиқлиги билан узвий боғлиқдир. Бу турдаги емирилиш амалиётда энг кўп учрайдигани ва қаттиқлиги 350-400 кгс/мм² дан кичик бўлмаган тоғ жинслари бурғи бошмоғининг ресурсига кўпроқ таъсир кўрсатади. Айнан мана шу емирилиш турида яримкристалл олмосли япроқларнинг юзаси ва қиррасида кесиш-қўпориш майдончалари ҳосил бўлади. Чуқур ўрганишлардан сўнг, муаллиф тамонидан таклиф қилинаётган бурғи бошмоғида ён тарафга ўрнатилган кесгичлар горизонталга нисбатан 15⁰, ички долотонинг кудуқ туби билан контактда бўладиган кесгич эса 27⁰ бурчак остида ўрнатилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

PDC кескичлардан иборат долотонинг емирилиш услубини тадқиқ этиш шуни курсатдики, кескичлар факат фрагментлар буйлаб емирилади. Долотони ишдан олишда кескичлар юзаси туртдан бир қисмига емирилади.

Бурғилаш режим параметрлари (ювувчи суюқлик миқдори, марказий юк кучи, айланиш частотаси) бурғилаш бошмоғининг ва ички долотонинг иш жараёнидаги қайсидир даврига мос келиб, кейинги даврларда бошқа параметрларга ҳисоб-китоб қилиш ҳам зарур бўлиб қолади (двигателнинг қуввати, бурғилашнинг механик тезлиги, двигателнинг иш даври, ўтиш вақти ва ресурси ва ҳ.). Бу ерда, ички долото доим кудуқ туби марказида бўлиши,

асосий юк ва тоғ жинси билан контактнинг нисбатан кичикроқ юзасини эгаллаганлиги учун ҳарорати баландроқ шароитда бўлиб қолиши мумкинлиги ташқи бурғиlash бошмоғига нисбатан ресурси 2-3 баробарга камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Белгиланган давр тугалланиши билан ресурснинг чегаравий параметрини назоратга олишга (кесишнинг критик тезлиги, ўтмаслашиш юзасининг проекциясини) зарурат тўғилади. Кейинчалик вақт интервали ошириб борилади ва ўзига яраша режимни танлаш, бошланғич ва чегаравий параметрларни бошқа катталикларда такрорланади. А.А.Третьяк, Ю.Ф.Литкевичнинг ишланмаларини умумлаштириб, ҳароратнинг критик катталиклари ва PDC кесгичлар кесиш тезлиги ҳамда Л.И.Барон ва А.В.Кузнецовларнинг абразивлик коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда хар-хил геологик характеристикага эга бўлган тоғ жинсларини бурғиlashда PDC кесгичлар билан жиҳозланган зинали бурғиlash бошмоғи ва унинг ички долотосининг иш ресурсларини аниқлашнинг математик услубиёти ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Мазкур жадвал Nanjin D&B-30, HYDX-6, ZBO S-15, DBC Makhina S-21 бурғиlash ускуналарини таклиф қилинаётган HQ^{NM} модификацияли колонкали тўпламни TPDC H 110/47,6 мм зинали бурғи бошмоғи, BIT PDC - 46,5 мм ички долото ўралган ички бурғи қузури ва HRQC русумли бурғиlash колоннаси билан бутлаб, кернли ва кернсиз бурғиlash бўйича тажриба-синов ишлари натижалари ҳамда математик формулалар орқали ҳисоб-китоблар қилиниб, илмий-амалий ёндашиш натижаларига кўра тузилган. Бунда юқорида санаб ўтилган тоғ жинсини емирувчи асбобларнинг максимал ўтиш ресурси юмшоқ тоғ жинсларида 1300 метрни ташкил қилишини ҳисоб-китобларда аниқланган. Ўртача қаттиқликдаги тоғ жинсларида бурғиlagанда (оҳактош, брекчиялар, цементлашган кумтошлар, конгломератлар) 1090 метрни, қаттиқ тоғ жинсларида (гранит, базальт, кварцли конгломератларда)- 630 метрни ташкил қилганини жадвалда кўришимиз мумкин. Ҳисоб-китоблар учун ўртача арифметик ўтиш ресурсини 900 метргача олиш тавсия қилинади.


Зинали бурғилаш бошмоғи ва унинг ички долотосининг ўтиш ресурсларини ҳисоблаш

Ички ишқаланиш коэффициентини — нормал босимдан сурилиш қаршилиғига боғлиқлигини ифодаловчи бурчак коэффициентини. n сонли тоғ жинси зарралари орасидаги шартли ишқаланиш кучи. Қум тошлар учун 0,25 — 0,60, гиллар учун 0,15 — 0,35. Ҳисобларда PDC кесгичнинг қалинлиги 3,0 мм, Виккерс бўйича олмоснинг қаттиқлиги 70-100 ГПа, бурғилашда емирилиш коэффициенти - ω_6 . ВК8 учун $\omega_6 = 1,3 \cdot 10^{-9} \text{ мм}^3/\text{мм}^3$ ВК6 учун $\omega_6 = 1,0 \cdot 10^{-9} \text{ мм}^3/\text{мм}^3$ қабул қилинган;

Таъсир этувчи кучлар	Кесил-қўпориш кучланиши юки	Ишқаланиш кучи (ю ва ўрт. қаттиқликда)	Бир PDC кесгичга кесил-қўпориш босимининг қаршилиғи, кПа	Бир кесгичнинг бир айлангандаги ўтмаслашиш қатлами	Ўтмаслашиш майдонининг узунлиги, мм	Кесувчи элементнинг баландлиги бўйича вақт биригида емирилиш интенсивлиги $ih(t)$, мм/мин							Айланиш частотаси	TPDC 110Н/47,6 бурғилаш бошмоғи ва ВТ PDC 45,6 долотосининг назарий ресурслари
		К тр -0,25 К тр -0,43	1 кПа -0,0101 кгс/см2			$i_{h(t)} = P_k \cdot a \cdot V_{рез}^k \cdot \omega_6 \cdot \pi \cdot d_l \cdot n$								
Формулалар	$F_p = \frac{P_{\text{к}}}{t \cdot g \cdot \gamma_n}$	К тр -0,6	E= 18000; 22000,27000	(S/(Fp + Fтр)) * 10	$B = 2 \cdot \sqrt{R^2 - (R - h)^2}$	Т.ж.нинг кесгичга қаршилик қилувчи контакт муот аҳкамлиги	Тоғ жинсининг қайр оқилилиги	Кесил тезлиги	Кесгичнинг бурғилашдаги емирилиш коэффициенти	Кесувчи элементнинг диаметри	Айланиш частотаси	Кесгичнинг емирилиш интенсивлиги	N	(((A+B)/ih(t))*n)*h/1000)*Np
		кгс.см	кгс.см			кгс/см2	мм	мм	МПа	мм2*с / Нм	м/сек	мм/мм		
Бурғи бошмоғи учун														
Юмшоқ тоғ жинслари (I-III)	183456	45864	14,9 кПа 150,7 мм2 или 0,1009	4,39997E-06	8,66	960	19	1,90	1,30E-09	10	120	5,41E-02	120	1,30E+03
Ўртача қаттиқликдаги тоғ жинслари (IV-VIII)	224224	96416	18,2 кПа 150,7 мм2 или 0,1234	3,84855E-06	8,66	1270	21	1,3	1,30E-09	10	180	8,11E-02	180	1,09E+03
Қаттиқ тоғ жинслари (IX-XII)	275184	165110	22,4 кПа 150,7 мм2 или 0,152	3,45224E-06	8,66	1780	30	0,8	1,30E-09	10	240	1,33E-01	240	6,32E+02
Ички долото учун														
Юмшоқ тоғ жинслари (I-III)	183456	45864	47,8 кПа 125,6 мм2 или 0,388	1,69196E-05	8,66	960	19	1,90	1,30E-09	10	120	5,41E-02	120	1,04E+03
Ўртача қаттиқликдаги тоғ жинслари (IV-VIII)	224224	96416	58,4 кПа 125,6 мм2 0,474	1,47829E-05	8,66	1270	21	1,3	1,30E-09	10	180	8,11E-02	180	1,04E+03
Қаттиқ тоғ жинслари (IX-XII)	275184	165110	71,7 кПа 125,6 мм2 или 0,582	1,32184E-05	8,66	1780	30	0,8	1,30E-09	10	240	1,33E-01	240	8,42E+02
Бурғи бошмоғи ва ички долотонинг ҳамжорликдаги иш ресурслари														
Юмшоқ тоғ жинслари (I-III)	183456	45864	11,4 кПа 138,2 мм2 или 0,084	3,663E-06	8,66	960	19	1,90	1,30E-09	10	120	5,41E-02	120	1,30E+03
Ўртача қаттиқликдаги тоғ жинслари (IV-VIII)	224224	96416	13,9 кПа 138,2 мм2 или 0,103	3,21233E-06	8,66	1270	21	1,3	1,30E-09	10	180	8,11E-02	180	9,34E+02
Қаттиқ тоғ жинслари (IX-XII)	275184	165110	17,1 кПа 138,2 мм2 или 0,126	2,86172E-06	8,66	1780	30	0,8	1,30E-09	10	240	1,33E-01	240	5,05E+02

Тўртинчи бўлимда “NM” ички керна қабул қилгич қувур учун керн кадоқлаш мосламасининг конструкция ва чизмалари келтирилган. Маълумки, бўшоқ тоғ жинсларида бурғиладда уларни ювилиб кетиши ва қувурдан тушиб қолиши кузатилади. Кўпгина ҳолларда, қудуқ геолог томонидан қабул қилинмайди ва қайта бурғилад талаб этилади, чунки маҳсулдор қатламлар оралиғидан керн олиш имконсизлиги сабабли геологик вазифа тўлиқ бажарилмаган бўлади. Бундай вазиятлар бурғилад компаниясига катта зарар етказиши мумкин.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида тўғридан-тўғри бурғилад пайтида керн намунасини полиамид халтача билан кадоқлаш учун кернузгич корпусининг кассетали версиясини таклиф қилади. (3-расм).




3-расм. Керн кадоқлаш кассетаси. (керн кадоқлаш мосламаси) йиғма ҳолда
1-ички корпус, 2-стопорлаш халқаси, 3-ташқи корпус, 4- полиамид пакет

Ушбу бобнинг бешинчи бўлимида кернни сиқиб чиқариш мосламасини яратиш, ишлаб чиқариш ва иш принципи тасвирланган (4-расм) бўлиб, мослама насосдаги сув босими ёрдамида ёпишқоқ кернни сиқиб чиқариш учун қўлланилади.

